

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 16 (1247)

2020 ЙИЛ 30 АПРЕЛЬ

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида Европа инвестиция банки (ЕИБ) вице-президенти Л.Павлова билан видеоконференция бўлиб ўтди.

ЕВРОПА ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ МАМЛАКАТИМИЗНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ҳукумати томонидан коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш, шунингдек, глобал инқироз ҳодисаларининг миллий иқтисодиётга ва мамлакат аҳолиси фаровонлигига таъсирини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.




Банк раҳбарияти фуқаролар ва тадбиркорлар пандемия шароитида, хусусан, иқтисодий барқарорлик ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли тадбирларни молиялаштириш учун Инқирозга қарши фондини ташкил этиш орқали, давлат томонидан ўз вақтида ва самарали қўллаб-қувватланганлигини юқори баҳолади.

Давоми-2

МАРКАЗИЙ БАНК ХАБАРИ

Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 23 апрелдаги қарорига мувофиқ, "Maroqand" (UPAY) масъулияти чекланган жамиятига тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилди.



Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 23 апрелдаги қарорига мувофиқ, "PAYBOX" масъулияти чекланган жамиятига тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берилди.

Cbu.uz

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ БЕРАДИ

Жаҳон банки коронавирус пандемиясининг Ўзбекистон фуқароларининг саломатлиги ва фаровонлигига таъсирини юмшатиш бўйича фавқулодда чораларни қўллаб-қувватлаш учун 95 млн. долларлик молиялаштириш дастурини тасдиқлади.

Маълум қилинишича, лойиҳа маблағлари миллий соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга, шунингдек, пандемия келтириб чиқарган иқтисодий инқироздан азият чеккан кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлашга сарфланади.

"Жаҳон банкининг молиялаштириши халқаро ривожланиш бўйича ҳамкорлар коалицияси томонидан ташкил этилган аҳолини пандемия хавфидан ҳимоя қилишда ҳукуматга кўрсатилаётган ёрдамнинг бир қисми сифатида тақдим этилади, – деди Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хидеки Мори.

Ҳукумат, Жаҳон соғлиқни



сақлаш ташкилоти (ЖССТ), БМТнинг бошқа агентликлари, халқаро молиявий институтлар, шу қаторда Жаҳон банки гуруҳи, икки томонлама ёрдам агентликлари ва нодавлат ташкилотлар, шу жумладан Чегара билмас шифокорлар (МСФ) ушбу оғир вазиятда мамлакатни қўллаб-қувватлашда хайрихоҳлик билдиришмоқда".

Ушбу лойиҳа доирасида Жаҳон банки кўмаги билан коронавирус инфекциясининг олдини олиш, унинг профилактикаси ва тарқалишини назорат қилиш учун миллий соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга 38 млн. доллар сарфланади.

Давоми-2

ПАНДЕМИЯДАН СЎНГ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА НИМАЛАР КУТИЛМОҚДА ?

Ўзбекистонда жорий ҳолатда иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Эндиликда, жаҳон иқтисодиётида инқирознинг белгилари намоён бўлаётган бир паллада юртимиз иқтисодиётида нималар кутилмоқда? Бу саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Нодир Жумаевага мурожаат қилдик.



– Сўнгги йилларда мамлакатимизда улкан ислохотлар олиб борилляпти. Бу жараёнда қўллаб-хорижий маблағлар ҳам жалб этилмоқда. Айниқса, бугунги пандемия шароитида бир қатор халқаро молия муассасалари билан бу борада самарали келишувларга эришилди. Айтингчи, бугунги кунда бизнинг ташқи қарз олиш салоҳиятимиз ва ундан

самарали фойдаланиш имкониятларимиз қай даражада?

– Марказий банк маълумотларига кўра, 2019 йил якунлари бўйича Ўзбекистоннинг ташқи қарзи 24,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Шундан 15,8 млрд. доллари – давлат, 8,6 млрд. доллари – хусусий сектор қарзи ҳисобланади. Бу – ЯИМга нисбатан 42 фоизни, давлат қарзи эса 27 фоизни ташкил этади.

Давлат қарзининг таркибида 1 млрд. АҚШ доллари қаторида Ўзбекистоннинг евробондлари улushiга тўғри келади. Ушбу облигацияларнинг эмиссия қилиниши билан иқтисодиётимиз тарихида янги босқич амалга оширилди, сабаби унга қадар мамлакатимиз халқаро фонд бозорларидан маблағлар жалб этган эмас эди.

Бунинг асосий омилларидан бири – Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсатини амалга ошираётгани билан боғлиқ бўлган, иккинчиси – мамлакатимизни суверен кредит рейтингига эга бўлиши билан изоҳланади.

Давоми-4



“ЎЗМИЛЛИЙБАНК” ШҲТ БАНКЛАРАРО БИРЛАШМАСИ АНЖУМАНИДА ИШТИРОК ЭТДИ

23-24 апрель кунлари ШҲТ Банклараро бирлашмасининг “ВЕБ.РФ” давлат ривожланиш корпорацияси раислигида онлайн анжуман бўлиб ўтди.



Унда ШҲТ ҳудудини ривожлантириш институтлари раҳбарлари, Банклараро бирлашмасига аъзо банклар, жумладан, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ, “Қозғистон Тараққиёт Банки” ОАЖ, Хитой давлат тараққиёт банки, “РСК Банк” ОАЖ (Қирғизистон), “Ҳабиб Банк Лимитед” (Покистон Ислам Республикаси) Тожикистон Республикаси “Амонатбанк” давлат жамғарма банки вакиллари қатнашди.

Анжуман доирасида янги глобал синов – коронавирус инфекциясининг тезлик билан тарқалишига қарши курашда яқин ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларда амалга оширилаётган ва пандемия оқибатларини юмшатиш ва глобал пандемиянинг иқтисодий соҳаларга ва амалга оширила-

ётган инвестиция лойиҳаларига салбий таъсир қилиш хавфининг олдини олишга қаратилган самарали амалий чора-тадбирлар тўғрисида маълумот алмашди.

Анжуманда инвестиция лойиҳалари соҳасидаги ҳамкорлик, пандемия даврида айланма маблағларни тўлдирish учун тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш, пандемия даврида энг заиф бўлган шаҳар инфратузилмаси лойиҳаларини молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди, шунингдек, ШҲТнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлигида миллий валюталардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш улушини ошириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Анжуман давомида “ВЕБ.РФ” давлат ривожланиш корпораци-

яси раиси И.Шувалов ва Хитой давлат тараққиёт банки (ГДБК) президенти О.Веймин билан музокаралар бўлиб ўтди.

“ВЕБ.РФ” кредит маблағлари эвазига гидроэнергетика, иссиқлик энергетикаси ва транспорт соҳасида умумий қиймати 212,8 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган лойиҳалар молиялаштирилган.

Учрашув давомида “ВЕБ.РФ” давлат тараққиёт корпорацияси жорий лойиҳаларини молиялаштиришни давом эттиришини ҳамда транспорт соҳасидаги қўшимча лойиҳани 16 миллион АҚШ доллари миқдориди молиялаштиришга тайёрлигини маълум қилди.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ Хитой давлат тараққиёт банкининг 758,3 миллион АҚШ доллари миқдордаги кредит линияларини жалб қилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, транспорт соҳасидаги инвестициявий лойиҳалар ҳам молиялаштирилмоқда.

Анжумандан сўнггида Банклараро бирлашмасига аъзо банклар Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар иқтисодиётига пандемия таъсирини юмшатиш бўйича мунтазам равишда икки томонлама ва кўп томонлама маслаҳатлашувлар ўтказишга, амалий чоралар ва механизмларни кўрсатувчи “Йул харитаси” ни ишлаб чиқишга келишиб олди.

Finance.uz

ТАШАББУС

“ТРАСТБАНК” ХАЙРЛИ ИШЛАРДА ФАОЛ

Ўзбек халқи азал-азалдан саховатли ва бағрикенг халқ ҳисобланган. Юртимизга кириб келган моҳи Рамазон ойи бу йил бутун дунёда коронавирус инфекцияси тарқалиши оқибатида юзага келган мураккаб эпидемиологик вазият давом этаётган оғир бир даврга тўғри келди.

Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида ушбу касаллиқнинг тарқалишини олдини олиш, шу билан бирга ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ҳамда ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш билан боғлиқ ташкилий чора-тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Президентимизнинг аҳолининг ижтимоий ҳимояга



муҳтож қатламни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини ташкил этиш бўйича берган тавсиялари бунга яққол мисолдир.

Жорий йилнинг 22 апрель кунидан бошлаб “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкнинг Амалиёт бошқармасида Шайхонтоҳур тумани аҳолисини моддий қўллаб-қувват-

лаш мақсадида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатининг “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди ҳисобрақами очилди. Мазкур фонднинг мақсади ҳайрия натижасида йиғилган ушбу маблағларни энг аввало Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган оилаларга, ундан сўнг эса ишсиз қолган оилаларга кўмак беришдан иборат. Зеро мана шу муборак ойларда қилинган хайру-саховатимизни Яратган ўз даргоҳида қабул айласин.

Албатта, халқимиз меҳр-оқибатли ва саховатли ҳамда муқаддас Рамазон ойида қилинган эҳсоннинг савоби ҳам буюк ҳисобланади. Шу сабабли, акцияга ўз шисасини қўшмоқчи бўлган саховатпеша фуқаролар ва тадбиркорларимизни мазкур акциямизда фаол иштирок этишларини таклиф этиб қоламыз.

Банк Ахборот хизмати

ЖАҲОН БАНКИ ЎЗБЕКИСТОНГА МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ БЕРАДИ

1-бошланиши

Маблағлар шахсий ҳимоя воситаларини, дори-дармонларни ва ҳаётий зарур тиббий асбоб-ускуналарни, шу жумладан ўпкани сунъий шамоллатиш қурилмаларини сотиб олишда, коронавирус билан касалланган беморларни даволайдиган шифохоналарни жиҳозлаш учун ҳам ишлатилади.

Лойиҳа бўйича 57 млн. доллар атрофидаги маблағлар кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш ва ишсиз фуқароларга бир марталик тўловларни амалга ошириш бўйича давлат дастурларини кенгайтириш учун сарфланади.

“Мен шифокорларга, ҳамшираларга ва бугунги кунда Ўзбекистонда коронавирусга қарши курашнинг бошида турганларга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Ўзларини хавф остига қўйиб, улар бошқаларнинг ҳаётини сақлаб қолишмоқда. Келинг, уйда қолиб, шахсий гигиена қоидаларига, ижтимоий масофаланишга ва карантин чораларига риоя қилган ҳолда, уларга касбий бурчларини бажаришда ёрдам берайлик”, дея таъкидлади Идиеки Мори.

Молия вазирлиги
Ахборот хизмати

ЕВРОПА ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ МАМЛАКАТИМИЗНИ Қўллаб-қувватлайди

1-бошланиши

ЕИБ вице-президенти Банк раҳбарияти Ўзбекистон томонининг сўровини кўриб чиқиб, пандемия ва унинг иқтисодий оқибатларига қарши курашда Ўзбекистонга молиявий кўмак кўрсатишга қарор қилганлигини таъкидлади. Шу сабабли ЕИБ миллий соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлаш учун 50 миллион Евро ажратади, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, экспортчилар ҳамда кичик ва ўрта корхоналарни молиялаштириш учун Ўзбекистон тижорат банклари 80 миллион Евро миқдориди кредит линияларини очди.



Шунингдек, видеоконференция доирасида Ўзбекистонда ЕИБ лойиҳалари портфелини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ва ҳамкорликни янада кенгайтириш чоралари муҳокама қилинди.

Яқин келажақда Банкнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар портфелини 500 миллион Европа етказиш мақсадида янги инвестиция лойиҳаларини биргаликда ишлаб чиқиш тўғрисида келишувга эришилди.

Finance.uz

State Tax Committee
Republic of Uzbekistan

INFORMATION SUBMIT AN APPLICATION VAT REGISTERED & SERVICE PROVIDERS FREQUENTLY ASKED QUESTIONS ASK A QUESTION

VAT OFFICE OF THE INTERNET-COMPANY
reliable partner of a conscientious taxpayer

Sign up for VAT registration Log in to your personal account

HOW IT WORKS?

APPLICATION Check if your company needs to register with the tax authorities

PERSONAL ACCOUNT Communication with tax authorities and filing tax returns

INFORMATION How to register, how to file tax returns

“GOOGLE” СОЛИҚ ТЎЛАШНИ БОШЛАДИ

Солиқ кодекси билан 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жисмоний шахсларга хизматларни электрон шаклда тақдим этадиган хорижий компаниялари учун қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) тўлаш жорий этилди.

Мамлакатимизда бундай компанияларни рўйхатга олиш учун Давлат солиқ қўмитаси томонидан махсус хизмат – Интернет-компанияларнинг ҚҚС-офиси – <http://tax.uz> яратилди.

Бугунги кунга қадар ҚҚС-офис орқали Ўзбекистонда 9 та хорижий

Улар:

- Google Commerce Limited;
- Google Ireland Limited;
- Google Voice Inc.;
- Apple Distribution International Limited;
- Netflix International B.V.;
- Samsung Electronics Co., Ltd.;
- Cleverbridge AG;
- Xsolla (USA), Inc.;
- Activision Blizzard International BV

компаниялар ихтиёрий солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтди.

ҚҚС бўйича биринчи тўлов “Google Commerce Limited” компанияси томонидан амалга оширилди. Компания жорий йилнинг I-чораги якунларига кўра давлат бюджетига 85 минг евро миқдорда маблағ тўлади.

Ихтиёрий рўйхатдан ўтиш, чет эл корхоналари (компаниялар) ўз имиджига путур етказмаслик билан бир қаторда ҳудудда пуллик хизмат кўрсатаётган давлатнинг қонунларини ҳурмат қилишларини билдиради.

Ҳозирда мамлакатимизда ҳам электрон тижорат тезкорлик билан ривожланаётганлигини инобатга олиб, бундай ихтиёрий рўйхатдан ўтиш ва солиқларни тўлаш маҳаллий тадбиркорлар учун ҳам яхши намуна бўлади.

Давлат солиқ қўмитасига ҚҚС-офиси орқали рўйхатдан ўтиш учун хорижий компаниялардан аризалар келиб тушиши давом этмоқда.

ХАЛҚНИ ЭМАС ХАЛҚУМИНИ ЎЙЛАГАНЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ


Мамлакатимизда карантин шароитида аҳолининг бирламчи озиқ ва ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи ортиси натижасида нарх-наво асосиз ошиб кетишининг олдини олиш борасида давлат солиқ хизмати томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда барча зарур чоралар қўрилмоқда.

Карантин эълон қилинган илк кунлардан давлат солиқ хизмати органларининг барча тузилмаларида солиқ, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ва маҳаллий ҳокимият вакилларида иборат ШТАБлар ташкил этилди. 37 мингта савдо объектлари бўйича доимий назорат ўрнатилди.

Деҳқон бозорларида доимий фаолият олиб борувчи Ишчи гуруҳлар томонидан кунлик назорат йўлга қўйилган. Қўриқлаётган чораларга қарамай, ноқонуний савдо фаолияти билан шуғулланиб, нархларни асосиз ошираётганлар ҳамон учраб турибди.

ун маҳсулотлари нархини сунъий равишда ошириб сотгани аниқланди. Унга нисбатан тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилиб, жами 1350 кг., умумий қиймати 5700,0 минг сўмлик ун маҳсулотлари ҳуқуқбузарлик ашёси сифатида масала қонуний ҳал бўлгунга қадар вақтинча сақловга олинди.

Шунингдек, тадбирлар давомида шу туманда яшовчи 1992 йилда туғилган фуқаро М.Р. фуқаро Я.И.га “ҳамқасб” эканлиги аниқланди. Яъни фуқаро М.Р.нинг ҳам белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан ноқонуний асосида ун маҳсулотлари нархларини сунъ-



Жумладан, 1990 йилда Поп туманида туғилган Я.И. исмли фуқаро “коронавируси бирдамликда енгимиз” дея бир мақсад билан ҳаракат қилаётган халқимизни эмас халқумини ўйлаб, ун нархини асосиз ошириб сотаётганлиги маълум бўлди.

Солиқ хизмати ходимлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида фуқаро Я.И. белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтмасдан, ноқонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётгани ва

ий равишда ошириб сотаётганлиги маълум бўлди. Фуқаро М.Р.га нисбатан тегишли тартибда далолатнома расмийлаштирилди ва унга тегишли бўлган жами 1125 кг., умумий қиймати 4680,0 минг сўмлик ун маҳсулотлари ашёвий далил сифатида масала қонуний ҳал бўлгунга қадар вақтинча сақловга олинди.

Ҳар икки ҳолатда ҳам ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга фаолиятини қонуний амалга ошириш бўйича зарур тушунтиришлар берилди.

Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати

Ёки солиқлардан қочишнинг бу усулини қонунчиликда акс эттириш ва улар учун жавобгарлик белгилаш вақти келди.



Бозор муносабатлари инсофли тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш билан бирга иқтисодий соҳадаги қонунга хилоф ҳаракатларга қарши курашишни ҳам тақозо қилади. Жумладан, “хуфёна иқтисодиёт”нинг шаклланиш механизмларини қайта кўриб чиқиш, солиқдан қочиш билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш бўйича тизимли ишларни кучайтириш зарур.

Одатда жиноят мақсади доим бир хил бўлади, ammo унинг шакли ўзгариб туради. Масалан, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлash мақсадида “Бир кунлик фирмалар” фаолияти ривожлана бошлади. Хусусан, муайян бир битим (операция) учун ташкил

этилган, тадбиркорликнинг аниқ мақсадлари мавжуд бўлмаган ҳамда ушбу битим натижасида солиқдан қочишга мўлжалланган жамият – “Бир кунлик фирмалар” ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “Бир кунлик фирмалар”га таъриф берилмаган.

Шундай бўлса-да, қонунга хилоф ҳаракатлар давлат ва жамият манфаатига етказилган зарар учун сўзсиз жазо муқаррар. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасига асосан солиқ олинмаган фойдани (даромад) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий

тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлash билан боғлиқ қилмиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорда жарима олинади.

Жиноят кодексининг 184-моддасига асосан солиқлар ёки тўлашдан бўйин товлash билан боғлиқ жиноятлар оғирлигига қараб базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 дан 600 бараваригача жарималар, 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ва 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо турлари назарда тутилган.

Мазкур соҳада хорижий давлатлар таърибаси ўрганилганда, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлash билан боғлиқ жиноятлар жавобгарлиги бўйича турли хил қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Улар орасида эса “Бир кунлик фирмалар”га алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, Германияда “Бир кунлик фирмалар” билан курашишда ишончли ташилотлар-

“БИР КУНЛИК ФИРМАЛАР” ТУЗИШДАН МАҚСАД НИМА?

нинг “Савдо реестри” тузилган. “Савдо реестри”га киритилмаган жамият билан битим тузиш банк ва солиқ органларида шубҳали операция, деб тан олинади ва уни ўрганиш учун асос ҳисобланади. Швеция ва Янги Зеландияда эса ишончли ва шубҳали корхоналар бўйича “оқ” ва “қулранг” рўйхатлар юритилади.

Швейцарияда “Бир кунлик фирмалар” билан курашишда “Солиқ тўғрисида”ги қонуннинг 21-моддасига асосан солиқ органлари битим бўйича ёки бошқа шубҳа туғдирадиган маълумотлар пайдо бўлганда контрагент (иккинчи тараф) жамиятнинг жойлашган манзилини, ишчилари мавжудлигини, уларнинг сонини, меҳнат шартномасини, шунингдек акциядорлар, таъсисчилар ва ижрочи раҳбарининг яшаш манзиллари тўғрисида маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Швейцария ва АКШ ўртасида “Бир кунлик фирмалар”га барҳам бериш мақсадида “Каналли ён-

дашув” номли келишув имзоланган. Бунда икки давлат ўртасидаги барча операциялар бўйича жамиятларнинг охириги таъсисчигача бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқи берилган.

Мазкур келишув Иқтисодий ташкилоти (ОЭСР) томонидан ижобий баҳоланган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ҳам солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлash мақсадида ташкил этилган “Бир кунлик фирмалар”га қонунчиликда аниқ таъриф бериш вақти келди. Ушбу жамиятларни аниқлаш бўйича қўша тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда Инсофли тадбиркорлар реестри”ни ишлаб чиқиш натижасида ноинсоф тадбиркорлик фаолиятининг олдини олиш бўйича зарур чоралари кўриш мақсадга мувофиқ.

Ф.Назаров,
Адлия вазирлиги
маъсул ходими
ЎЗА

ПАНДЕМИЯДАН СЎНГ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА НИМАЛАР КУТИЛМОҚДА ?

1-бошланиш

Умуман, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон ташқи қарзини ЯИМга нисбатан кўра 55 фоизгача жалб этишни мўтадил ёки барқарор деб баҳолашни маълум қилган. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг ташқи қарз жалб этиш имконияти бор.

2020 йил апрель ойида эълон қилинган Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистоннинг узоқ муддатли кредит рейтингини "BB-" (барқарор) даражада эканлиги муҳим ҳисобланади. Ушбу ҳолат Ўзбекистонга кўшимча ташқи маблағларни жалб этишга имконияти мавжудлигини аниқлатади.

Шунингдек, оптин-валюта захирамиз импортни камида уч ой давомида қоплашига этишнинг инobatта олсак, биз ташқи қарзни бемалол жалб этишимиз мумкин.

Ташқи қарзни биринчи навбатда давлат дастурларини ва давлат зиммасидаги ижтимоий вазифаларни молиялаштиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айниқса, солиқ тушумлари бўйича берилаётган таътиллар даврида жалб этилаётган қарз маблағларини бюджет даромадлари ўрнини тўлдириш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

— Айни дамда бутун дунё пандемиядан сўнг жаҳонда иқтисодий қийинчиликлар бўлиши ҳақида гапирмоқда. Айтилган, пандемиядан сўнг Ўзбекистон иқтисодиётида қандай ўзгаришлар бўлиши мумкин? Бу турмуш тарзимизга қай даражада таъсир кўрсатади?

— Пандемиядан сўнг, иқтисодиёт молиявий ресурсларга катта эҳтиёж сезади. Бу иқтисодиёт тармоқларининг хизмат кўрсатиш секторида, айниқса, кўпроқ намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан иқтисодиётга монетар ва фискал дастурлар орқали давлатнинг аралашуви талаб этилади.

Шунингдек, иқтисодиётни қутаётган энг катта хавфлардан бири — бу ишсизлик муаммоси сифатида намоён бўлади. Хизмат кўрсатиш, хусусан туризм йўналишида талабнинг тушиб кетиши, хорижий туристларнинг бошқа мамлакатларга саёҳат қилишдаги эҳтиёткорлиги натижасида соҳа анча мураккаб вазиятга тушиб қолади.

Фуқароларда пул етарли бўлмаса, таклиф этилаётган хизмат ва маҳсулотларни сотиб олиш имконияти камайиши мумкин, натижада иқтисодий қийинчиликдан чиқиш жараёни янада қўзилиб, ҳукумат томонидан қўрилган чора-тадбирлар самараси сусайиши мумкин. Шунинг учун қонуний меҳнат шартномаси асосида фаолият юритиб, барча солиқлари тўлаб борган, лекин ҳозирда иш ўрнини йўқотган ёки тўловсиз меҳнат таътилига чиқарилган барча фуқароларга карантин муддати давомида ишсизлик нафақаси автоматик тарзда тўланиши лозим. Ёлланиб ишлаётган ёки меҳнат мигрантлари ҳисобида ишлаётган фуқароларга қайтариб бериш шarti билан фoизсиз кредит ёки ёрдам пуллари ажратиш лозим бўлади.

Расман ишсиз ҳисоблансада, лекин яширин иқтисодиётда меҳнат қилаётган ёки хорижий меҳнат мигранти сифатида даромад топаётган фуқароларни ҳам ҳисобга олсак, ишсизлик ёки вақтинча ишсизлик ҳолати кўзати бўлиши, табиий. Бу бутун дунёда қўзилаётган ҳолат. Шу нуқтаи назардан давлатлар ўз вазиятларидан келиб чиқиб, фуқароларга ижтимоий ёрдам пакетларини тақдим этмоқдалар. Таъкидлаш лозимки, Ҳукуматимиз томонидан ҳам бу соҳада зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса албатта, ўзининг ижобий натижаларини бериши тайин.

Умида Худойберганава
суҳбатлашди.

Мамлакат иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган имкониятлар катта аҳамиятга эга. Хусусан, ҳудудларнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, Республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848 сонли "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши ҳудудлар ва тармоқлари иқтисодиётининг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибиде санoат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини янада кўпайтиришга асос бўлади.

ТИЖОРAT БАНКЛАРИНИНГ ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

Жумладан, "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий этдириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Мазкур вазифаларни таъминлашда банкларнинг истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш муҳим масала ҳисобланади. Тижорат банклари ҳудудлар иқтисодиётининг таркибий ўзгаришларини инвестициялашдаги фаол иштироки туфайли, иқтисодий ривожланишнинг катализатори ҳисобланади.

Ҳудудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида кенг қамровли иқтисодий ислохотлар негизидеги мақсадларга эришиш учун белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда "ҳудудларни комплекс ривожлантириш тадбирларини изчил давом эттириш лозим", — деб таъкидланган эди.

Мамлакатимизда охириги йилларда олиб борилган ислохотлар, иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибиде санoатнинг улушини 2018 йилдаги 35 фоиздан 2019 йилда 37 фоизга ортиши режалаштирилган эди.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш йўналишида ҳудудлардаги мавжуд ҳолат Президентимиз томонидан танқидий таҳлил қилиниб, 2019 йилда ва ундан кейинги даврда вилоят раҳбарларининг биринчи навбатдаги вазифалари белгилаб берилди.

Албатта, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши вазифаларини ҳал этишда банк тизими иштирокининг муаммоларини таҳлил қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар, аввало банк тизими билан бевосита боғлиқ бўлиб келмоқда. Чунки республикаимизда режалаштирилган инвестиция дастурини амалга оширишда ўтиш даврига хос бўлган молиявий ресурслар



нинг чегараланганлиги сезилмоқда. Шунинг учун ҳам банк кредитларидан самарали фойдаланиш, уларнинг энг қулай шаклларидан, жумладан, ипотека кредитидан фойдаланиш ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 2011-2019 йилларда ЯИМ ҳам, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳам ўсиш суръатига эга бўлган. Бундай ижобий ҳолат мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ҳамда амалдаги ҳуқуқий ҳужжатларда хорижий инвесторлар учун қўлаб имтиёз ва рағбат омиллари яратилганлигини кўрсатади.

Маълумки, ЯИМ ўсишини таъминлашда ички инвестициялар улуши катта салмоққа эга. Бунда тижорат банкларининг инвестицион кредитлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ушбу кредитлар устувор равишда иқтисодиётнинг санoат тармоқларини модернизация қилиш, замонавий инфратузилмни шакллантириш ва ривожлантириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалтириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар доирасидаги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Хусусан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан жами 70 трлн. сўм инвестицион кредитлар берилди. Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан миллий валютаимизда ҳисобланганда 8 маротаба ортган.

Айниқса, тижорат банкларининг ҳудудлар иқтисодий ривожланишига таъсирини ошириш йўллари юзасидан олиб борилган илмий изланишлар натижаларини умумлаштириш ҳолда ҳудудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, санoат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш,

янги санoат корхоналарини ташкил этиш, кичик санoат зоналарини ташкил қилишда банкларнинг самарали кредитлаш механизмлари муҳим ўрин тутди.

Юқориде қайд этилганлардан келиб чиқиб аҳоли зич жойлашган вилоятларда эркин тадбиркорлик ҳудудларини тармоқлар ва ихтисослашув бўйича ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича имтиёзли кредитлар бериш орқали рағбатлантириш лозим бўлади. Бунда пахта хомашёсини етиштирувчи вилоятлар

да пахтадан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган, мева सबзавотчиликка ихтисослашган ҳудудларда эса, уларни чуқур қайта ишлашга мўлжалланган кичик бизнес ва тадбиркорларга инвестицион кредитлар бериш лозимдир.

Албатта тадбиркорларга бериладиган имтиёзли кредитлар миқдори, ушбу кичик бизнес ташкил этиладиган кўшимча ишчи ўринлари сонига қараб табақалаштирилган фoизда кредитлаш тартибининг қўллаш ва шу билан бирга, олган фойдасини мақсадли равишда корхона фаолиятини кенгайтириш ва модернизациялашга йўналтирилишини белгилаб қўйиш керак бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси нисбатан паст ҳудудларда ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини бюджетдан мақсадли субсидиялар ҳисобига имтиёзли фoиз ставкаларида кредитлар беришни татбиқ қилиниши, бизнесни ташкил этиш ва самарали юритиш, мавжуд банк маҳсулотлари ва молиявий хизматлар кўрсатиш юзасидан консултация хизматлар кўрсатиш, тадбиркорлар учун махсус тренинглр ўтказиш муҳим масаладир. Шунингдек, ҳудудларнинг бир маромда барқарор ривожланишини таъминлаш ва уларнинг бир текисда катта тафовутларсиз тараққий этишига хизмат қиладиган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўриш, ҳудудлардаги импорт ва экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қиладиган, шунингдек, юқори кўшимча қиймат яратадиган етакчи устувор тармоқларини қўллаб-қувватлаш, минтақавий инфраструктура соҳасини ривожлантиришга қаратилган устувор инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади.

Анвар ИСМОИЛОВ
Тижорат банкларини
бошқариш мутахассислиги
2-курс тингловчиси

1 МАЙДАН БОШЛАБ НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

1. Аи-80 бензини нархини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади

Аи-80 маркали автомобиль бензини ва дизель ёқилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизель ёқилгиси) чакана нархларини давлат томонидан тартибга солиш бекор қилинади ва нефтни қайта ишлаш заводлари томонидан уларни сотиш фақат биржа савдолари орқали амалга оширилади.

2. Тиббиёт ташкилотларида халқ таъботати хоналари очилади

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомига эга Республика халқ таъботати илмий-амалий маркази ташкил этилади.

Шунингдек, тиббиёт ОТМларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Халқ таъботатини ривожлантириш марказлари ташкил этилади.

Бундан ташқари, туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида ҳамда нодавлат тиббиёт ташкилотларида халқ таъботати хоналари очилади.

3. Худудлар доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштирилади

Доривор ўсимликларини етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерлари ташкил этилади, шунингдек, худудлар доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштирилади.

4. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркалари жорий этилади.

5. Давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборотни шакллантириш, сақлаш ва қайта ишлаш фақат куйидаги ноёб идентификаторлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

- жисмоний шахслар – жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШ-ШИР);
- юридик шахслар – солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР);
- кўчмас мулк – кадастр рақами;
- манзиллар – географик код;
- транспорт воситалари – транспорт воситасининг идентификация рақами.

6. Суд ҳукмлари, қарорлари, ажримлари ёки ҳал қилув қарорлари қонуний кучга кирган ишлар прокурор томонидан томонларнинг (прокурордан ташқари)



муурожаати мавжуд бўлган дагина суддан талаб қилиб олинади.

7. Боғча пули миқдорлари ўзгаради

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўлови миқдорлари ўзгаради.

8. Бўстонликда турар жойни ижарага берганлик учун алоҳида солиқ тартиби жорий этилади

2020 йил 1 майдан бошлаб, 2021 йил 1 майгача Бўстонлик туманида таъриба тарикасида солиқ солиш объектларини ҳисобга олиш ва солиқ маъмуриятчилигининг алоҳида тартиби жорий этилади.

Таъриба даврида жисмоний шахслар томонидан дам олиш уйлари, дала ҳовли, яқка тартибдаги уй-жойлар ва яшаш учун мўлжалланган бошқа турар жойлар, шунингдек, айрим мол-мулк турлари солиқ органларининг таянч пунктлари томонидан солиқ солиш объектларининг ҳисобга кўйилгани тўғрисидаги бепул бериладиган гувоҳнома асосида ижарага берилади.

9. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор технологияларни татибқ этиш маркази директори меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича ОТМ ректорига, директор маслаҳатчиси ва директор ўринбосарлари – ОТМ проректорига, бошқарма ва бўлим бошлиқлари – факультет деканига, бош мутахассис – катта ўқитувчи – ўқитувчига тенглаштирилади.

10. Давлат қурилиш назоратининг янги тартиби жорий этилади

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва худудий инспекциялар томонидан қурилиши тугалланган объектлардан фойдаланишга рухсат бериш тартибини жорий қилган ҳолда, молиялаштириш манбаларидан қатъи назар хавф-хатар тоифаси паст объектларни фойдаланишга қабул қилиш бўйича мавжуд тартиб-таомиллар бекор қилинади.

COVID-19: ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАР МАБЛАҒ АЖРАТИШГА ТАЙЁР

Президентнинг 22.04.2020 йилдаги “Коронавирус пандемиясини даврида аҳоли, бюджет, базавий инфратузилма ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ташқи ёрдам маблағларини жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4691-сон қарори қабул қилинди.

Халқаро молия институтлари (ХМИ) Ўзбекистонга умумий қиймати \$3 млрд. дан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ва грантларни тақдим этишга тайёр. Улар билан дастлабки келишувларга эришилди.

Ҳужжатга илова қилинган “Йўл харитаси”дан кўриниб турганидек, маблағлар соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш (\$277,5 млн.), тадбиркорлик ва банк тизимини (\$700 млн.), давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш (\$1,7 млрд. €150 млн.), коммунал ва энергетика корхоналарининг бир маромда ишлашини таъминлашга (\$300 млн.) йўналтирилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш доирасида куйидагиларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- республика санитария-эпидемиология хизматини тубдан модернизация қилиш, халқаро стандартлар ва илғор амалиётларга мувофиқ техник жиҳозлаш ва мутахассисларни тайёрлаш;
- халқаро стандартларга мувофиқ жиҳозланган худудий санитария-эпидемиология лабораторияларини ташкил қилиш;
- санитария-эпидемиология хизматининг барча бўғинларида ишлашга малакали кадрлар тайёрлаш, халқаро таърибага эга мутахассисларни жалб қилиш;
- юқумли касалликларни илғор компьютер технологиялари ва телетиббиёт усулларидан фойдаланган ҳолда энг аввало, болалар ва оналарни даволаш учун замонавий клиникалар яратиш ва жиҳозлаш.

У “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳузурида ташкил этилмоқда. Бу Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги 213-ф-сон фармойишида назарда тутилган.

“САХОВАТ ВА КЎМАК” ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

“Саховат ва кўмак” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ва унинг бўлинмалари Қорақалпоғистон, вилоятлар ва пойтахт бўлимлари, туманлар (шаҳарлар) бўлинмалари ҳузурида юридик шахс ташкил этилмаган ҳолда очилади.

Жамғарма маблағлари карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга ёрдам бериш учун ишлатилади. Улар пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланади.

Жамғарма маблағларини куйидагилар тасаруф этадилар:

- республика миқёсида – “Маҳалла” фонди Васийлик кенгаши;
- худудлар миқёсида – Жўқорги Кенгес ва тегишли халқ депутатлари кенгашлари.

Жамғарма маблағлари ҳомилийк ва хайрия маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан норезидентларнинг ҳомилийк хайриялари, маҳаллий бюджетлар даромадининг режа-

қуйидагилар масъул ижро этувчи агентликлар этиб белгиланди:

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги – соғлиқни сақлаш тизими ва санитария-эпидемиология хизматини мустаҳкамлаш учун жалб қилинаётган ХМИнинг қарз маблағларини жадал жалб қилиш, улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан;

- Энергетика вазирлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – Осиё инфра-тузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа ХМИнинг тегишинча энергетика ва коммунал соҳаларидаги корхоналар айланма маблағларини молиялаштириш учун жалб қилинаётган қарз маблағларини жадал жалб қилиш, улардан самарали ва мақсадли фойдаланиш юзасидан;

- Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги – бюджетни қўллаб-қувватлаш учун ХМИ қарзларини жадал жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан;

- Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Агроекономика вазирлиги ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги – мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун ХМИ томонидан тақдим этилаётган кредит линияларини ўз вақтида жалб қилиш ва жадал ўзлаштириш юзасидан.

Уларга (молиялаштирувчи ХМИ билан келишилган ҳолда) тендер савдолари ва харидларни ўтказмасдан БМТ ташкилотларининг глобал платформалари орқали дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникаларни тўғридан-тўғри харид қилишга рухсат этилди.

“Йўл харитаси”даги чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш вице-премиер – инвестициялар ва ташқи савдо вазири бошчилигида шакллантирилган мувофиқлаштирувчи гуруҳ зиммасига юклатилди.



дан ортиқ бажарилишидан тушган маблағларнинг бир қисми ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади. Маблағлар тижорат банкларида очилган миллий ва чет эл валютасидаги алоҳида ҳисобварақларда йиғилади. Улардан фойдаланилиши устидан кундалик жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Туман ва шаҳарларда ҳар бир сектор раҳбари маҳалалар билан биргаликда ҳар бир оиланинг моддий аҳволини ўрганган ҳолда ҳафталик ёрдам кўрсатиладиган эҳтиёжманд оилалар рўйхатини шакллантиради. Уларга берилиши керак бўладиган маблағлар, дори воситалари

ва бошқа маҳсулотлар ҳажми ҳам белгиланади. Йиғилган маълумотлар халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига киритилади.

Туман ва шаҳар бўлинмаларида йиғилган маблағлар эҳтиёжманд оилалар талабларини қондириш учун етарли бўлмаганда тегишли юқори туровчи жамғармаларга муурожаат қилинади.

Жамғарма ва унинг бўлинмаларига маблағларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланилиши бўйича маълумотлар ОАВда эълон қилиб борилади. Жамғармага маблағ ўтказиб берган шахсларнинг рўйхати (уларнинг розилиги асосида) кенг жамоатчиликка маълум қилиб борилиши мумкин.

“ПОЙТАХТ БАНК” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Рўйхатга олиш рақами: ЎзМБ томонидан 2018 йил 29 декабрдаги 84-сонли лицензияси
Юридик манзил: 100063, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислом Каримов кўчаси 55 уй

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (минг сўмда)

	Изоҳ	2019 йил 31 декабрь
Активлар		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	6	71 882 702
ЎзР МБ ҳисобварақларидаги мажбурий заҳиралар	7	3 726 842
Бошқа банклардаги маблағлар	8	9 988 790
Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	9	106 739 065
Инвестицион молиявий активлар	10	2 079 456
Фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари		734 283
Кечиктирилган солиқ активлари	19	152 345
Асосий воситалар ва номоддий активлар	11	12 032 312
Бошқа активлар	12	3 110 925
Жами активлар		210 446 720
Мажбуриятлар		
Мижозларнинг маблағлари	13	99 427 269
Бошқа мажбуриятлар	14	4 314 955
Жами мажбуриятлар		103 742 224
Хусусий капитал		
Акциядорлик капитали	15	100 000 000
Тақсимланмаган фойда		6 704 496
Жами хусусий капитал		106 704 496
Жами мажбуриятлар ва хусусий капитал		210 446 720

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ҲАМДА БОШҚА УМУМИЙ ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (минг сўмда)

	Изоҳ	2019 йил 31 декабрь, яқунланган йил учун
Фоишли даромадлар, самарали фоиш ставкаси бўйича ҳисобланган	16	22 860 979
Фоишли харажатлар, самарали фоиш ставкаси бўйича ҳисобланган	16	(2 085 673)
Бошқа фоишли харажатлар	16	(92 203)
Соф фоишли даромадлар		20 683 103
Қарз молиявий активлар бўйича кредитдан кўрилган зарарларга оид заҳирани шакллантириш	6,8,9,10	(2 554 433)
Кредитдан кўрилган зарарларга оид заҳира шакллантирилганидан кейинги соф фоишли даромадлар		18 128 670
Воситачилик даромадлари	17	4 052 795
Воситачилик харажатлари	17	(1 051 192)
Хорижий валютадаги амалиётлар бўйича ва хорижий валюталарни қайта баҳолашдан соф даромадлар / (харажатлар)		817 648
Кредит хусусиятига эга мажбуриятлар бўйича кредит зарарларига оид заҳирани тиклаш / (шакллантириш)	14	(207 527)
Бошқа активлар бўйича заҳирани шакллантириш	12	(20 249)
Бошқа операция даромадлар		82 626
Маъмурий ва бошқа операция харажатлар	18	(13 362 552)
Солиқ солингунга қадар фойда		8 440 219
Фойда солиғи бўйича харажатлар	19	(1 735 723)
Йиллик соф фойда		6 704 496
Бошқа умумий даромад		-
Жами умумий йиллик даромад		6 704 496

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (минг сўмда)

	2019 йил 31 декабрь, яқунланган йил учун
Операцион фаолиятдан пул маблағлари ҳаракати	
Олинган фоишлар	22 005 994
Тўланган фоишлар	(2 161 720)
Олинган воситачилик ҳақлари	4 051 571
Тўланган воситачилик ҳақлари	(1 051 192)
Хорижий валютадаги амалиётлар бўйича олинган соф даромад	817 648
Бошқа олинган операция даромадлар	82 626
Ходимлар учун харажатлар	(8 547 388)
Маъмурий ва бошқа операция харажатлар	(4 815 164)
Тўланган фойда солиғи	(2 470 006)
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришларга қадар операцион фаолиятдан пул оқимлари	7 912 369
Операцион активларнинг соф (кўпайиши)/камайиши	
ЎзР МБ ҳисобварақларидаги мажбурий заҳиралар	(3 726 842)
Бошқа банклардаги маблағлар	(9 988 790)
Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	(108 623 563)
Бошқа активлар	(2 376 642)
Операцион мажбуриятларнинг соф кўпайиши / (камайиши)	
Мижозларнинг маблағлари	99 427 269
Бошқа мажбуриятлар	4 314 955
Операцион фаолиятдан соф пул маблағлари ҳаракати	(13 061 244)
Инвестицион фаолиятдан пул оқимлари	
Инвестицион қимматли қозғаларни харид қилиш	(2 000 000)
Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш	(13 666 420)
Инвестицион фаолиятдан соф пул маблағлари ҳаракати	(15 666 420)
Молиявий фаолиятдан пул оқимлари	
Устав фондини шаклланиши	100 000 000
Молиявий фаолиятдан соф пул маблағлари ҳаракати	100 000 000
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентларига айирбошлаш курсидаги ўзгаришларнинг таъсири	714 716
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф ўзгариши	71 987 052
Ҳисобот йили аввалидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	-
Ҳисобот йили охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	71 987 052

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ (минг сўмда)

	Акциядорлик капитали	Тақсимланмаган фойда	Жами капитал
2019 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	-	-	-
Йиллик соф фойда	-	6 704 496	6 704 496
Бошқа умумий даромад	-	-	-
Жами йиллик умумий даромад	-	6 704 496	6 704 496
Устав капиталини шаклланиши	100 000 000	-	100 000 000
2019 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	100 000 000	6 704 496	106 704 496

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги "Grant Thornton" МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 13 февралдаги АФ 00064-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва унинг барча муҳим жиҳатлари амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бора.

Хизматлар лицензияланган.



ПАНДЕМИЯ ОҚИБАТИДА ҚАРЗЛИ ИНҚИРОЗ ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН

Бутун дунё мамлакатларида коронавирус пандемияси оқибатида иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари учун деярли 8 триллион АҚШ доллари тенг маблағ сарфланди. Натижада уларнинг қарзлари сезиларли даражада ортмоқда, дея огоҳлантирди Халқаро валюта фонди (ХВФ). Бу эса вирус билан курашишнинг уйдасидан чиқилганидан кейин аксарият мамлакатларда янгидан янги муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини билдиради.

ХВФнинг фискал сиёсат бўйича директори Витор Гаспарнинг фикрига кўра, бугунги кунда ҳукуматлар 2007–2009 йиллардаги инқирозга нисбатан тезроқ ва дадилроқ ҳаракат қилишмоқда. Масалан, G20 мамлакатлари иқтисодийни қўллаб қувватлашга ЯИМ кўрсаткичларининг 3,5 фоизига тенг маблағларни йўналтириб улгурди. Бу эса, 2009 йилдаги умумий кўрсаткичга нисбатан ҳам кўпдир. Бироқ ҳозирги инқироз оқибати ҳам нисбатан оғирроқ кечиши мумкин, ахир вирус тарқалишига қарши курашиш чораларининг ўзиёқ аксарият мамлакатлар иқтисодийни фалаж ҳолатга келтирди. ХВФ башоратига кўра, жорий йилда глобал ЯИМ кўрсаткичи 3 фоизга қисқариши мумкин.

ХВФ ВА ЖАҲОН БАНКИ: РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАРНИ ҚУТҚАРИШИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

150 дан ортиқ мамлакатлар уларга пандемия оқибатида юзага келган инқироз туфайли ёрдам сўраб мурожаат қилган.

Жаҳонни ларзага солаётган коронавирус пандемияси ривожланаётган мамлакатлар иқтисодийга қаттиқ зарба бермоқда. Уларнинг аксарияти Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкидан кўмак сўраб мурожаат қилмоқда. Бу эса жаҳон иқтисодийни қўллаб-қувватлаш асосий фаолияти ҳисобланмиш юқоридаги ташкилотлар учун катта синовларга сабаб бўлмоқда.

ИНҚИРОЗ ЧЕГАРА БИЛМАС

ХВФ га мурожаатлар 90 дан ортиқ мамлакатлардан келиб тушган бўлса, Жаҳон банкига сўров жўнатган мамлакатлар сони камида 60 тага етган, дейилади The Wall Street Journal нашридаги мақолада. Улар биргаликда пандемиядан жабрланган мамлакатлар иқтисодийни қўллаш мақсадида 1,2 триллион АҚШ долларига тенг бўлган маблағни ажратишга тайёр. Бироқ айрим мутахассислар ХВФ ва Жаҳон банки бу даражадаги катта сўровларнинг барчасини



қаноатлантира олишига ишона олмаяпти.

“Бу, мисли COVID-19 вирусини аниқланган беморларнинг барчасини эмас, муайян қисмини бир вақтда қабул қила оладиган шифохона”, – деган иқтисод келтирилиди мақолада ХВФ собиқ бош иқтисодчиси Кеннет Рогофнинг маълумоти таянган ҳолда.

Одатда халқаро ташкилотлардаги дастурларнинг келишувларига имзо чекишга оилаб вақт кетади. Бироқ ҳозир уларнинг вакиллари бошқа мамлакатларга музокаралар ўтказиш мақсадида ташриф буюра олишмайди. Бундан ташқари, ХВФ ходимларининг бирида коронавирус аниқланганидан сўнг ташкилотнинг барча мутахассислари ўз уйларида туриб ишлашига тўғри келмоқда. Бироқ таҳлилчилар ҳозирги шароитда ХВФ ва Жаҳон банки сингари ташкилотлар қарз олувчиларга нисбатан

талабларни юмшатишга мажбурлигини таъкидлашмоқда.

Яқинда ХВФ ва Жаҳон банкнинг аънавий равишда ўтказилган ярим йиллик анжумани видеоконференцадоқа шаклида бўлиб ўтди. Ушбу анжуманининг бош мавзуси ҳам айнан пандемия оқибатида юзага келган иқтисодий муаммоларга бағишланди.

– Йил бошида ХВФ башоратларида 160 мамлакатларда аҳолининг жон бошига тўғри келадиган даромади ошиши тахмин қилинган бўлса, бугунга қелиб 170 мамлакатда аксинча қисқаради, – дейди фонднинг тақсимотчи-директори Кристалина Георгиева. “Буюк инқироз давриддан буюн энг оғир иқтисодий таназзул юзага келиши арафасидамас, – деди у ўз маърузасида. – Бу инқироз ривожланган ва ривожланмаган давлатларга ҳам бирдек тегишли. Инқироз чегара белмайди”.

КАМБАҒАЛЛИК ОРТАДИМИ...



Oxfam халқаро хайрия ташкоти огоҳлантиришича, оқибатда жаҳонда камбағаллашув даражаси кескин ортиши кузатилиши мумкин. Унинг баҳосига кўра, энг ёмон оқибати – даромадларнинг 20 фоизга қисқариши – камбағал аҳоли сони ортади, уларнинг сони тахминан 548 миллиондан то 4 миллиард нафарга кўпайиши кутилапти.

Ўта камбағаллик даражасида яшайдиганлар сони эса 434 миллиондан 1,2 миллиард нафаргача етиши мумкин. “Ўта камбағал инсонларда вақтинча иш топа олиш ёки маҳсулотларни жамғариб қўйиш имконияти мавжуд эмас”, – дейилади Oxfam ҳисоботида.

Инқирознинг таъсирини юмшатиш мақсадида ташкилот бир неча чора-тадбирларни амалга ошириш таклифи билан чиқди, хусусан ХВФ томонидан кўрсатиладиган молиявий кўмакни кўпайтириш ва қарзларни узишни вақтинчалик талаб қилмаслик сингари таклифлар қайд этилди. Ўз навбатида фонд ва Жаҳон банки март ойи охирида кредитор мамлакатлардан камбағал мамлакатларнинг қарзи бўйича енгилликлар киритишни сўраб мурожаат қилган эди. Ташкилотлар бу давлатларга икки томонлама кредитлар бўйича тўловларни тўхтатиб қўйишга рухсат берди. ХВФ ва Жаҳон банки ҳаракатларини қўллаб-қув-

ватлаган ҳолда ривожланаётган мамлакатлар қарзини сўндиришга мораторий қўллаш ва ривожланган мамлакатлар томонидан бундай мамлакатларга ёрдам бериш механизмини янада жадаллаштириш чораларига тегишли таклифлар билдирилди. Жумладан, бу таклифлар Давосдаги Бутунжаҳон иқтисодий форумда сўзга чиққан бошқарувчи директор Саъдий Зоҳидий томонидан қайд этилди.

Георгиеванинг маълумот беришича, ХВФ шу кунларда шошилинч молиялаштиришга оид икки дастур бўйича камбағал давлатларга енгилроқ шартларда тақдим этиладиган маблағни икки баробар кўпайтирди ва 100 миллиард АҚШ долларига тенг маблағни шу мақсадга йўналтириш ниятида. Ташкилот ноль фоиздан то 1,5 фоизгача ставкада қарз бериш имконини яратди. Бу ёрдамдан ҳозирча Қирғизистон, Мадагаскар, Руанда ва бошқа мамлакатларнинг ҳар бири 100 миллион

АҚШ долларидан кўпроқ маблағни олиш ҳисобига фойдаланди. Шу пайтга қадар ХВФ га тахминан жами 20 миллиард АҚШ доллариллик қарз сўраб мурожаат қилинган.


Жаҳон банки ҳозирга қадар 27 та аризани кўриб чиқди. Шу пайтгача энг катта миқдор маблағ ажратилган лойиҳа – Ҳиндистонга 1 миллиард АҚШ доллари берилишини назарда тутди. Бу маблағлар лаборатор диагностика ускуналари, шахсий ҳимоя воситалари ишлаб чиқарилиши ва вирус тарқалиши билан курашишга доир бошқа мақсадларга сарфланади.

Агар ривожланган мамлакатлар ўзларининг марказий банклари томонидан иқтисодий рағбатлантиришга эриша олса, ривожланаётган мамлакатларнинг бу борадаги имконияти бирмунча чекланган. Халқаро молия институтини (ИИФ) маълумотига кўра, январь ойидан бошлаб ривожланаётган бозорлардан чиққан сармоя тахминан 96 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу эса жаҳон молиявий инқирози давридаги 26 миллиард АҚШ долларига нисбатан уч карра кўп маблағдир.

“Ривожланаётган мамлакатлар доимо инқироз даврида нуқулдай ҳолатда қолишадими, – дейди Вудро Вильсон маркази вакили Бенжамин Гидан. – Бу давлатларга сармоя керак бўлганда бу сармоя хавфсиз кўллари ўтади. Улар экспортдан келиб тушадиган даромадга янада кўпроқ муҳтож бўлганида эса хомашё нархи пасаяди. Солиқ тушумлари камайганда эса, миллий валюта айирбошлаш курси пасаяди ва долларда олинган қарз мажбуриятлари даражаси кескин ортади”.

ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ДУНЁ ИҚТИСОДИЁТИ ҚИСКА СУРЪАТЛАРДА ТИКЛАНИШИДАН УМИДИ КАТТА

Коронавирус пандемияси оқибатида жаҳон иқтисодий султалашув кўлами юқориликча қолаётган бир пайтда таҳлилчилар иқтисоднинг қайта тикланиши бўйича башоратларни ҳам тайёрламоқда. Кўпчилик иккинчи ярим йилликдаги ўсиш суръати бирмунча жадаллашишига умид билдирмоқда. Бироқ аксарият давлатлар инқирозга қадар эришилган натижага ҳаттоки келаси йилда ҳам етишиши даргумонлигича қолмоқда.



– Жаҳон ЯИМ кўрсаткичи 2020–2021 йилларда тахминан 9 триллион АҚШ долларига тенг маблағни йўқотиши мумкин, – дейди ХВФ бош иқтисодчиси Гита Гопинат ташкилот ташаббуси билан ўтказилган видеоконференцада. Агарда жорий йил январь ойида 3,3 фоизлик ўсиш суръати кутилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич аксинча 3 фоизга қисқариши сифатида қайд этилмоқда. Кези келганда таъкидлаш лозим, 2009 йилда жаҳон молиявий инқирози даврида ЯИМ кўрсаткичи атиги 0,1 фоизга қисқарган эди.

Рамазон – тақво ва саломатлик оёи. Инсон бу муборак ойда ҳам покланиб, ҳам саломатлигини тиклайди. Яратганинг Узи инсонга йилда бир мавсум оч бўлишни буюришида буюқхикмат бўлиб, фитратимиз, табии тимиз шунга мос яралганига далолат қилади.

Эшитгансиз, америкалик мутахассис Пол Брегг бўлса ўзининг эллик йиллик шахсий тарихбаси маъсули ўлароқ "Мўъжизакор очлик" деб аталган китобини ёзди. Дунёдаги кўплаб тилларга таржима қилинган бу китоб, рўза инсон соғлиги учун энг зарур омил эканлигини ташвиқотчисига айланди. Инсон соғ-саломат бўлай деса рўза тутиши зарур экан. Бу эса Имом Табароний ўзларининг "ал-Авсат" китобидан Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи васалламдан ривоят қилган: "Рўза тутинлар саломат бўласизлар", деган ҳадиси шарифнинг илмий тасдиғидир.

Ҳайратланарлиси шундаки, рўза билан даволоччи ҳакимлар киши соғ-саломат юриши учун йилига 28-32 кун ихтиёрй оч қолиши керак деган ҳулосага келганлар. Аллоҳ таоло эса бу муддатнинг ўртачаси 30 кун Рамазонни биз мусулмонларга бундан 15 аср илгари фарз ибодати қилиб қўйган. Тўғри, бошқа динларда ҳам рўза турли шаклда тутилади. Энг муҳими, барча осмоний динларда рўзанинг мавжуд бўлганига ҳайратга тушасиз. Аслида рўза – кўринишдан ибодат, бироқ шу ҳам биз инсонларнинг фойдамизгадир. Буюк ватандошимиз Шайхур раис Ибн Сино ҳам кишиларни очлик йўли билан даволаганлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

ОЧЛИКНИНГ ФЙДАЛАРИ

Замонамизда Ислום улампаридан бири Шайх Аҳмад Кувфару ҳазратлари Ислום оламида рўза билан даволаш бобидан анча шуҳрат қозонганлар. Айниқса у кишининг ҳузурларида машхур спортчи, асрими з бокс тарихи афсонасига айланб қолган жаҳон чемпиони Муҳаммад Алининг шифо топиши катта шов-шувга сабаб бўлган. Фалажланиш оқибатида баъзи аъзолари қалтирайдиган касалга мубтало бўлган Муҳаммад Али шифо излаб бормаган жойи қолмаган эди. У ўзини даволатиш учун 30

миллион доллар сарфлаган, аммо бирор натижага эришмаган эди. Аллоҳ унга йигирма кунлик очликдан сўнг шифо берди. Яқинда, очлик билан саратон-рак касалидан шифо топган одамлар ҳақида ҳам хабарлар тарқалди. Ана шунда фойдали нарсани биз мусулмонларга савоб ва маънавий ибодат қилиб қўйган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин, деймиз.

Ислום арконларидан бири бўлмиш рўза ибодати ҳам инсон саломатлигига бу дунёда келтирадиган манфаатлари кўп бўлиши билан бирга, охират сармоясига ҳамдир. Рўза жисмининг закоти экан, бу ойда тугал рўза тутган одам танаси ва руҳидаги ўзгаришларнинг ижобийлигини ҳис этади, албатта

йўлида тўпланган тошларни эритишда, оқсил ва крахмал моддаларининг кўпчи ҳолатига сабаб бўлувчи ошқозон безовталигида рўза ҳам кўп фойда беради.

Рўздорларга қувват бўладиган озиқларнинг деярли барчасида табиий дармондорилардан ташқари саломатликка фойда берувчи жиҳати мавжуд. Шундай озиқлардан талқон, ёнғоқ, мағиз, майис, асал, жиззали нон ва бошқаларни ифторликка тановул қилинса меъдани тўқ тутади. Табибларимиз шифобахш асалга табиий гиёҳлардан қўшиб тайёрлаган малҳамлар ёрдамида жуда кўп касалликларни даволаш билан биргаликда ифтор вақти таомларини ҳам тайёрласалар бўлади. Асал ҳар қандай тахир



Рўза тутмоқ барча аъзоларни гуноҳдан сақлайди. Унинг инсон саломатлигини мустаҳкамлаши борасидаги фойдалари ҳақида кўп гапирилган. Рўза ошқозон ва ичакларни ортиқча хилт ва чикитлардан поклайди, у туфайли ҳазм қилиш тизими маълум муддат ором олади. Рўза парҳездан ҳам устун туради. Ичак ва йўғон ичакларида яллиғланиши бор беморлар рўзанинг фойдасини сезишади. Рўзада таомланиш бир тартибга тушади.

Энг асосийси, рўза нафс ва руҳни поклайди, фақир ва муҳтожларга меҳр-оқибат кўрсатишни ўргатади, шаҳватларга берилишдан қайтаради, нафсни росттўйлик, ғазаб қилмаслик каби хулқларга эриштиради, тинчлик, муҳаббат ва поклик руҳини беради. Баъзи табиблар қанд, бўғим ва бошқа турли касалликларни даволашда рўзадан кенг фойдаланишган.

Инсон организми асаб тизимига қараб турлича бўлади. Инсон танасидаги ортиқча вазн сабабидан ҳам касаллик сеза бошлайди, пешоб

малҳамини ҳам ютимини енгил, ширин қилади ва кишини анча вақтгача меъдасини тўқ тутади. Айниқса, бугунги кунда кўп учраётган меъда кўртини тушириш, бўғим, бош, бўқоқ, қандли диабет, ўпка, юрак, буйрак, жигар, ўт, ошқозон-ичак, ўсма, юз тери, тери-таносил касаллиги, организмда туз эриши, эркак ва аёлларнинг жинсий заифлиги, бепуштлиқ, асаб касаллиги ҳамда болаларнинг барча касалликларига турли гиёҳларнинг асалга аралашмасидан малҳам тайёрланади.

Рўзада асалга қўшиб тайёрланган гиёҳ малҳамларини котлетга ўхшатиб тайёрласан ҳам бўлади дейди табибларимиз. Сахарликка истеъмол қилинадиган, табиблар тавсияси билан тайёрланган айрим гиёҳларнинг 8-10 хил витамин берувчи хусусияти ҳам бўлиб, бу котлетлар кишидан очлик ҳиссини йўқотади, куч-қувватини оширади, хотирасини мустаҳкамлайди, холестерин ва хилтларни йўқотади, инсон кечгача тетик ва бардам юради. Бу котлет сахарликдан кейин битта, ифтордан сўнг



битта истеъмол қилинади.

Юракка қувват бағишловчи малҳамнинг қўлланиши ҳам шундай. Маккаи сано уругидан асал билан қориштириб тайёрланган малҳам ун кун муддат ичида кунига уч маҳалдан тип остига бир дондан ташлаб сўриб юрилади. Рўза кунини бошлангани учун уни ҳам сахарликка ва ифторда қабул қилиш мумкин бўлади. Бу малҳамнинг

Демак, рўза билан қалбимизни ислоҳ қилсак, бутун жасадимизни ислоҳ қилган бўламиз. Қалбимизнинг салоҳиятли бўлиши эса, дунё ва охиратдаги саодатимиз. Унинг фасод бўлиши натижасида қандай ҳалокатга юз тутишини Аллоҳ таолонинг ёлғиз Узи билади. Қалбимиз нафақат Рамазон ойда балки, бошқа ойларда ҳам Рамазон ойидедек рўза тутиши керак. Ана шунда ушбу ҳаёт тарзида инсон ўрганади. Унинг рўза тутиши эса ширк амаллар, нотўғри эътиқод, ёмон ва ёвуз ниётлар ва маҳзунликлардан узоқ бўлишидир. Зеро, қалбимиз Аллоҳ таолога бўлган муҳаббат билангина тирик бўлади, чироқ каби ярақлайди, кўёш каби нур сочади ва тонг каби ярақлайди.

Инсон қалби рўза туфайли имон нури билан тўлган бўлиб, тафаккур қилиши, атроф-муҳитга ибрат назари билан боқishi натижасида ҳидоятга зиёдалашиб боради, манманликдан тийилади. Чунки кибр – қалб рўзасини бузади.

Шуни эсда тутиш лозимки, касални даволаш учун муолажа қанчалик зарур бўлса, парҳез ҳам шунчалик зарур. Гуноҳлардан парҳез қилиб, Аллоҳ таолонинг буйруқларига итоат қилиш орқали мақсадимиз ҳосил бўлади.

Инсон соғлиғига оид рўза ҳақидаги мазкур маълумотлар Аллоҳ таоло биздек ожиз бандаларига билдирганларидир. Биз билмаган яна қанча манфаатлари ва ҳикматлари борки, бунинг ҳикматини Аллоҳдан бошқаси билмайди.

Хулоса қилиб айтганда, айрим хаста кишилар даволаш босқичини рўза пайти ўтказса ҳам бўлади. Ёки шунчаки рўзада соғломлашман десангиз ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, рўза учун махсус тайёрланадиган асалли гиёҳларни, яъни котлетларни истеъмол қилинг. Бу эса сизни ҳар томонлама соғлом бўлишингизга ёрдам беради

Шукур ЖАББОР
тайёрлади.

ҚАЛБНИ ПОКЛАШ

Рўза тутмоқ инсоннинг соғлиғига қанчалик фойдали бўлса, руҳга ва қалбга ҳам шунчалик манфаатли. Бунинг куйидаги маълумотлардан билиб олишимиз мумкин. Пайгамбаримиз алайҳиссалом: "Огоҳ бўлинглар! Ҳаммининг жисмида бир бўлак гўшт бўлади. Агар у салоҳиятли бўлса, бутун жасад салоҳиятли бўлади. Агар у фасод (айниқса, яроқсиз) бўлиб қолса, бутун жасад фасодли бўлади. Огоҳ бўлинг у қалбдир", дедилар.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукур ЖАББОР

ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 026 4090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИС:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧҚ

Ахборот кўмаги
Ўза, "Norma Hamkor" МЧҚ
www.finance.uz
Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧҚ
Газета тахририятнинг техник
уқуналаридан саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини қадади. Буюртма № 9 0464 А-1678 Нархи шартнома асосида. Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табақда чоп этилди. Босишга рухсат этилди: 28.04.2020 й., 1 2 3 4 5 6